

Ўзимдан катта одамга салом берсам, алик олмайди

20:17 / 27.04.2016 3733

САВОЛ: Ўзимдан катта одамга салом берсам, алик олмайди ёки менсимайгина қўл узатади. Саволим шуки, ўша одамга салом бермаслигим мумкинми?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Мусулмон одам ҳолатдан келиб чиқиб, ўзи таниган-у, танимаган кишига салом бериши суннат ва одоб ҳисобланади. Саҳобаи-киромлар ривоят қилиб айтадилар-ки:

«Биз доимий равишда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан йўлиқсак, аввал салом беришга ҳаракат қилар эдик. Лекин у зот биздан аввал салом бериб улгурар эдилар».

Ҳаммамиз яхши билишимиз лозимки, салом бериш суннат бўлса, алик олиш вожиб бўлади. Сиз бир кишига салом бердингизми, Ислому одобини адо қилдингизми, мусулмонлик ҳаққини бўйнингиздан туширддингизми, сиз шунга савоб оласиз. Саломингизга алик олган киши одоб юзасидан, суннат юзасидан, шариату юзасидан ўзига тушган масъулиятни адо этган бўлади. Энди алик олмаса, беодоблик қилиб, вожиб нарсани тарк этган бўлади. Сиз эса ундан ўксимаслигингиз ва салом бермай қўйсам бўлармикин, деган хаёлга бормаслигингиз керак. Балки салом беришда бардавом бўлинг, бунга савоб ёзилади. Алик олмаган одамнинг эса гуноҳи ўзига. Шунинг учун бу одобга амал қилиб боришни тавсия қиламиз. Валлоҳу аълам.